

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5** “*импакт-фактор*” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Юридик фанлари

ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси
“Криминалистик экспертизалар” кафедраси
катта ўқитувчиси, (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539380>

СУД ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд экспертиза хулосасини баҳолаш бўйича мавжуд амалий фаолияти, унинг ҳуқуқий табиати таҳлиллари ва далил сифатида эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш бўйича соҳа мутахассисларининг фикрларга асосланиб, экспертиза хулосасини баҳолаш жараёнида ҳар доим текширилиши лозим бўлган масалалар, эксперт хулосасини баҳолашда суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳамда эксперт хулосасини баҳолаш босқичлари бўйича илмий тавсиялар берилган. Экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: экспертиза хулосаси, далилларни баҳолаш, экспертиза хулосасининг тузилиши, экспертиза хулосасини баҳолаш, эксперт хулосасининг ҳолислиги, эксперт хулосасининг тўлиқлиги, эксперт хулосасининг ҳар томонламалилиги, эксперт хулосасининг ишончлилиги.

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ОЦЕНКИ ЗАКЛЮЧЕНИЙ СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается текущая практическая деятельность по оценке заключения судебной экспертизы, анализ его правового характера и вопросы, которые всегда должны быть проверены в процессе оценки заключения экспертизы на основе мнений специалистов отрасли по совершенствованию деятельности по составлению экспертного заключения в качестве доказательства, аспекты, на которые следует обратить внимание суду, прокурору, следователю или дознавателю при оценке экспертного заключения, а также вопросы, связанные с оценкой заключения эксперта. этапы даны научные рекомендации.

Ключевые слова: экспертное заключение, оценка доказательств, структура экспертного заключения, оценка экспертного заключения, объективность экспертного заключения, полнота экспертного заключения, всесторонность экспертного заключения, достоверность экспертного заключения.

THE LEGAL NATURE OF THE EVALUATION OF FORENSIC REPORTS

ANNOTATION

The article discusses the current practice of evaluating the conclusion of forensic examination, analysis of its legal nature and the issues that should always be checked during the evaluation of the expert opinion based on the opinions of industry experts to improve the work of the expert as evidence, the aspects to which the court, prosecutor, investigator or inquirer should pay attention when evaluating the expert opinion, the issues related to the evaluation of the expert. stages yes The proposals to improve processes for the processing of expert opinions have been developed.

Key words: expert opinion, evaluation of evidence, structure of expert opinion, evaluation of expert opinion, objectivity of expert opinion, completeness of expert opinion, comprehensiveness of expert opinion, reliability of expert opinion.

Суд экспертиза хулосаси муайян ҳуқуқий (процессуал-ҳуқуқий) хусусиятга эга. Д.Базарова ва И.Р.Астановлар “Экспертиза хулосаси – экспертиза тадқиқоти натижасида экспертнинг фан, техника, санъат, касб-ҳунар соҳалари бўйича махсус билимидан фойдаланиб, суриштирувчи, терговчи, суд томонидан юборилган экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор, ажримда ақс этган саволларига берган жавоби ақс этган далил манбаи ҳисобланган процессуал ҳужжатдир” [1, Б.29] деб ёздилар.

Кўриниб турибдики, бир томондан, суд экспертиза хулосаси маълум бир билим соҳасида маълумотга эга бўлган шахс фаолиятининг натижаси бўлган суд далилларини шакллантириш усули бўлса, иккинчи томондан, у суд эксперти томонидан суд экспертизасини билиш усуллари билан биридик. Натижада, суд эксперти хулосалари қонун нормалари билан тартибга солинадиган процессуал ҳаракат сифатида ишлайди.

Экспертиза хулосаси – иш бўйича энг муҳим далиллардан бири ҳисобланади. Чунки, суд экспертиза хулосаси терговчи (суд) унинг тегишлилиги, мақбуллиги ва ишончлилигига, эксперт топшириғига мувофиқлиги, тўлиқлиги ва илмий характерига ишонч ҳосил қилганлиги учун иш бўйича далил бўлиб хизмат қилади. У суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаетган шахс томонидан ҳамма далиллар каби баҳоланади.

Ҳеч қандай далиллар, шу жумладан экспертнинг хулосаси ҳам, суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи учун муқаррар кучга эга ҳисобланмайди. Аммо унга қўшилмаслик қарорда, айблов хулосасида асослаб берилиши лозим. Далилларни баҳолаш – аниқланган далилларнинг текширилетган жиноят ҳодисасига тегишлилигини аниқлаш, улар орасидан ўзаро боғлиқликни мавжудлиги ва табиати, ҳақиқатни аниқлаш учун далиллардан фойдаланиш йўллари аниқлаш бўйича мантиқий жараён ҳисобланади.

Фикримизча, айнан шу жиҳатдан эксперт хулосасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, иш бўйича далил сифатида экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштиришни такомиллаштириш соҳа мутахассисларининг фикрича қуйидаги икки хилда усулда амалга оширилиши мумкин:

- 1) эксперт хулосаларини баҳолаш;
- 2) экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш фаолиятини назорат қилиш [2, С.104].

Бироқ, ҳозирги кунда айнан эксперт хулосасини баҳолаш бўйича методик тавсиялар мавжуд эмас [3, С.103]. Россиялик олимлардан Е.Р. Россинская ва Е.И. Галяшиналар [4, С.144] эксперт хулосасини қуйидаги босқичлар бўйича баҳолашни таклиф қилганлар: “Экспертиза тайинлашнинг қонун талабларига мувофиқлигини текшириш; тадқиқот қилинган ашёвий далиллар ва намуналарнинг ҳақиқийлиги ва етарлилигини текшириш; эксперт методикаларининг илмий асосланганлиги ва уни ушбу ҳолатда қўллашнинг қонунийлигини баҳолаш; хулосанинг тўлиқлиги ва ҳар томонламалигини текшириш ва баҳолаш; экспертиза тадқиқотлари жараёнлари.

Тадқиқотлар натижаларини мантиқийлигини баҳолаш; экспертиза тадқиқотлари натижаларининг кўрилаётган иш (жиноий, фуқаролик иши ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик иши) билан боғлиқлигини текшириш; эксперт хулосаларининг ишда мавжуд бўлган далилларга мувофиқлигини текшириш”.

Эксперт хулосасини баҳолаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасида аниқ белгиланган, яъни: “Эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади” [5] деб қайд этилган.

Шунингдек, А.Х. Раҳманкулов ва Д.М. Миразовлар ҳам “Эксперт хулосаси терговчи томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади” [6, Б.305] деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддасида “Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин” [7] дея келтирилган.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи далилларни баҳолашда қонунга таянган ҳолда кўрилаётган ишнинг тафсилотини ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганиб, ўзининг ички ишончига асосланади. Эксперт хулосасини судда ўрганиш ва баҳолаш далилларни текшириш ва баҳолашнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади. Бу борада Д. Базарова ва И. Астановлар “Ҳар қандай далил сингари экспертиза хулосаси ҳам далилларни баҳолашнинг умумий принципи асосида таҳлил қилинади ва терговчи, прокурор, судьянинг ички ишончи асосида баҳоланади. Ички ишонч далилни мақбуллиги, етарлилиги, ишончлилиги юзасидан қарор чиқариши мумкин бўлган шахсларнинг ўз амалга ошираётган ҳаракатларнинг адолатли эканлигига ишончи йиғиндисиدير” [1, Б.73] деб таъкидлаганлар.

Таъкидлаш жоизки, эксперт хулосасини ички ишонч асосида баҳолаш объектив ҳолатларни инобатга олмасдан баҳолаш дегани эмас. Шу сабабли, юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан эксперт хулосасини баҳолаш босқичлар бўйича билдирилган фикрларини умумлаштириб, экспертиза хулосасини баҳолаш жараёнида қуйидагилар ҳар доим текширилиши лозим деган хулосага келдик:

- экспертиза тайинланганда ва ўтказилганда жиноят процесси ва фуқаролик процесси қонунларининг талабларига риоя қилинганлиги;
- замонавий фан нуқтаи назаридан берилган эксперт хулосаси асослантирилганлиги;
- экспертиза ўтказилганда тадқиқ қилинган материаллар, уларга қўйиладиган талабга жавоб бериши, экспертиза ўтказилганда усул ва услублар тўғри қўлланилганлиги;
- иш бўйича тўпланган далилларга эксперт томонидан аниқланган фактларнинг тўғри келиши.

Ушбу босқичларни батафсил кўриб чиқайлик. Соҳа мутахассисларининг фикрича, “Эксперт хулосасини олганидан сўнг, терговчи уни чиқариш жараёнида процессуал қонун талаблари бузилмаганини текшириши керак. Эксперт хулосаси иш бўйича мавжуд бўлган ва инкор этишга имкониятлар яратмайдиган далиллар асосида чиқарилиши ва бу далиллар қонуний жиҳатдан тўғри аниқланган ва олиб қўйилган, қайд этилган бўлиши лозим” [7, Б.307]. Д.Базарова ва И.Астановлар эса “Эксперт хулосасининг тўғрилигини баҳолаганда, маълумки унинг шаклан мувофиқлиги, Жиноят-процессуал кодекси талабларига тўғри келиши текширилади.

Бундай текшириш тадқиқот объектларининг процессуал мақомини аниқлаш, иш бўйича экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш, натижаларни расмийлаштиришнинг процессуал тартибига риоя қилиш билан боғлиқ” [1, Б.75] деб ёзганлар.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, экспертиза тайинлаш ва ўтказишда процессуал қонунчиликка риоя қилинганликни баҳолашда, экспертнинг хулосасида аниқланган фактлардан далил сифатида фақат “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунга риоя қилинган ҳолда тайинланган ва ўтказилган бўлса, фойдаланиш мумкин.

Шу сабабли, эксперт хулосаси баҳоланганда суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи қўйидагиларга эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, хулоса ваколатли шахс томонидан берилганлигини текшириш керак. Амалдаги процессуал қонунчилик ҳал этилаётган масалалар бўйича махсус билимларга эга бўлган шахслар томонидан экспертиза ўтказилишига рухсат беради (*Жиноят процессуал кодексининг 67-моддаси ва Фуқаролик процессуал кодексининг 54-моддаси*).

иккинчидан, экспертнинг процессда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

учинчидан, экспертиза муассасасининг раҳбари томонида эксперт била туриб ёлғон хулоса берганлиги, хулоса беришдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги текширилиши керак. Бу ҳақида экспертнинг тилхати хулосанинг кириш қисмида баён қилинади.

тўртинчидан, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари билан экспертнинг танишишига имкон яратилганлиги, кўшимча материал тақдим қилиш тўғрисидаги экспертнинг талабномаси тўлиқ ва сифатли кондирилганлиги аниқланади.

Экспертнинг хулосасини тўғри баҳолаш учун унинг таркибини ташкил қилган, тадқиқот ва яқун қисмларини синчиклаб кўриб чиқиш лозим. “Бунда қўйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилади: экспертга текширув ўтказиш учун тақдим этилган материалларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги; эксперт текширувининг тўлиқлиги, объективлиги ва ишончлилиги; ўтказилган текширувдан келиб чиқадиغان хулосаларнинг асосланганлиги ва мантиққа мослиги” [1, Б.75].

Хулосада келтирилган эксперт олдида ҳал қилиши учун қўйилган саволларга жиддий аҳамият берилади, чунки уларнинг анализи эксперт олдида қўйилган вазифалар тўғри талқин қилинганлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

Агар эксперт савол шаклини ўзгартирган ёки саволларни гуруҳларга бўлган бўлса, эксперт олдида қўйилган саволларнинг маъноси ўзгариб кетганми-йўқми текширилиши лозим. Бугунги кунда экспертизанинг аксарият турларини бажариш алоҳида эксперт мутахассислиги бўйича зарур билимларни талаб қилганлиги сабабли терговчи (суд) тадқиқот экспертиза муассасасининг ходими томонидан ўтказилганлигини ҳамда шу ходим экспертиза масалаларини ечиш учун керакли ихтисослиги бор-йўқлиги аниқлаши лозим.

Хулосанинг кириш қисмини ўрганиш орқали экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда намуна сифатида қайд этилган ҳужжатлар қўлланилганлиги аниқланади. Жумладан, эксперт бошқа бир масалани ҳал қилиш учун тақдим қилинган муҳр излари намуналаридан фойдаланмаганми, намуналар қаторига бошқа бир шахс томонидан бажарилган имзоларни кўшмаганми, деган масалалар ҳам аниқланиши лозим.

Хулосанинг тадқиқот қисми баҳоланганда, биринчи ўринда, эксперт фойдаланган усуллар илмий жиҳатдан асосланганлиги аниқланиши керак. Чунки тергов (суд) томонидан иш бўйича қабул қилган қарор (ҳукм) асосига фақат илмий услубларга таянган экспертнинг хулосаси қўйилиши мумкин.

Экспертиза хулосасини тасдиқлаш учун у ёки бу илмий асос келтирилганда унинг афзаллигини тушунтириш ва хулоса баҳолаган шахсларда бунга ишонч ҳосил қилиш учун имкон яратиш лозим. Лекин бунда эксперт нима сабабдан бундай хулосага келганлигини тушунтириши зарур. Акс ҳолда хулосанинг тўғрилигида шубҳа туғилиши мумкин.

Эксперт хулосаси илмий асослангилганлигини баҳолаш эксперт тадқиқоти учун қўллаган услубларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ. “Ушбу экспертиза ўтказиш жараёнини баҳолашда терговчи экспертнинг ҳаракатлари унинг хулосасида қай даражада ўз аксини топганлиги ва илмий нуқтаи назардан тўғри ўтказилганлиги, тўғри услублар ва усуллар қўлланилганлиги, тахминий эмас, балки қатъий натижалар олинганлигига улар ишда мавжуд ва воқеликка тўғри бўлган далилларга мос эканлигини аниқлаши керак ҳамда ҳозирги фан-техника имкониятларидан тўла фойдаланилганлигини эътиборга олиш керак” [7, Б.307]. Экспертиза услубиётига амал қилмаслик экспертнинг хулосасини рад этишга ва қайта экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Хулосанинг тадқиқот қисмини ўрганиш жараёнида тадқиқ қилиниши лозим бўлган объектларнинг ҳаммаси текширилганлиги, текширув натижалари тўғри талқин қилиниши, аниқланган хусусиятлар, белгилар турғунлиги ва аҳамиятлигига эътибор бериш зарур. “Эксперт хулосаси унинг воқеликка тўғрилиги ва далилий аҳамиятга эгаллиги бўйича баҳоланади. Воқеликка тўғрилиги эксперт хулосасини ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар билан солиштириш натижасида аён бўлади. Хулоса мазмунини ўрганганда уни воқеликка тўғри бўлиши, тўлиқ бўлганлиги ва илмий жиҳатдан асосланганлигига эътибор бериш керак” [7, Б.307].

Экспертнинг якуний хулосаларини баҳолашда, аввало, эксперт ҳамма қўйилган саволларга жавоб берганлигини, сўнгра якунлар хулосанинг тадқиқот қисмида келтирилган ҳолатларга мослигини текширилади. Қўйилган саволларга жавоблар тўлиқ, тушунарли ва қисқа бўлиши лозим. Агар эксперт саволларнинг ҳаммасига жавоб бермаган бўлса, қўшимча экспертиза тайинланиши мумкин.

Айрим терговчилар фақат хулосанинг якунига диққатини қаратиб, кириш ва тадқиқот қисмларини эътиборсиз қолдирадилар. Бундай қилиш нотўғридир, чунки хулосага объектив баҳо бериш учун нафақат текширув натижасида аниқланган фактлар, балки солиштирув материалларининг етарли бўлганлиги, экспертиза олдига қўйилган саволларга тўлиқ жавоб берилганлиги, эксперт фикрлари ва хулосаси ўртасида мантиқий боғланиш борлиги ўрганиб чиқилиши керак.

Экспертнинг хулосасидаги қарама-қаршиликлар унинг аҳамиятини пасайтиради ва хулосани рад этишга ёки қайта экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Экспертнинг хулосаси бошқа далилларга нисбатан устунликка эга эмас ва уни иш бўйича тўпланган ишончли далиллар билан таққослаш хулосанинг тўғрилигини аниқлашнинг муҳим усули бўлиб хизмат қилади. Экспертнинг хулосаси терговчида шубҳа туғдирмайдиган иш бўйича йиғилган бошқа далилларга мослиги унинг янада ишончлилигининг омилдир. Агар экспертнинг хулосаси бундай далилларга зид бўлса, бунинг сабабини аниқлаб, қарама-қаршиликни бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Экспертиза амалиёти кўрсатадики, терговчи, судлар диққатини иш бўйича бошқа материаллар билан биргаликда эксперт хулосасини ҳар томонлама танқидий баҳолашга ҳар доим ҳам қаратмайдилар.

Бизнинг фикримизча, эксперт хулосасини баҳолаш ўзига хос тушунча бўлиши керак – экспертнинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) олинганан бошлаб то эксперт хулосаси билан бирга материалларни ташаббусчига (экспертиза тайинлаган орган ёки шахс) юбориш билан якунланадиган, экспертизаларни ўтказишдаги ҳаракатларини ҳамда бу жараёнда олинган натижаларни баҳолаш.

Экспертизаларни ўтказишдаги ҳаракатларга эса қуйидагилар киради:

суд экспертиза муассасаси (ёки эксперт) томонидан экспертиза учун тақдим қилинган материалларни қабул қилиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш; агар экспертизага оид материаллари суд экспертиза муассасасига юборилган бўлса, уларни қабул қилиш тартибига риоя қилиш; эксперт олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволларга жавб беришга қаратилган тадқиқот усуллари ва услубиётдан фойдаланиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказишда зарур бўлган криминалистик-техник воситалардан фойдаланиш; тадқиқот натижаларини баҳолаш.

Эксперт хулосасини баҳолаш фикримизча куйидаги уч боскичдан иборат бўлиши керак:

1) эксперт хулосасини процессуал қонунчиликка, суд эксперт муассасасининг суд экспертизаларини ўтказишни тартибга солувчи идоравий-меъёрий ҳужжатларга (Йўриқнома, Низом) риоя қилиш нуқтаи назаридан баҳолаш;

2) эксперт хулосасини холислик, тўлиқлик, ҳар томонламалилик ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш;

3) эксперт хулосасини умум қабул қилинган илмий ва амалий маълумотлар асосида чиқарилган яқуний хулосаларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини текшириш имкони берадиган процессуал тартибда расмийлаштирилганлиги нуқтаи назаридан баҳолаш.

Эксперт хулосаларининг объективлигини баҳолашда, уни бу ишдан манфаатдор бўлмаган, махсус билимлар асосида ва текшириш натижаларига ишонган шахслар томонидан берилгани асос бўлади. Бу талабнинг бузилишига экспертнинг исботланмаган, рад қилинган ва тўлиқ бўлмаган далиллар асосида, эксперт ваколати доирасига кирмайдиган ҳаракатлар доирасида баҳолаш ва хулоса бериш кирази.

Эксперт хулосаларини баҳолашда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– суд экспертизаси муассасаларининг раҳбарлари тергов хизмати раҳбарлари билан ҳамкорликда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эксперт иштирокида олинган ҳамда экспертиза тайинлаш учун тақдим этилган ашёвий далиллардан фойдаланиш фаолиятини таҳлил этишлари лозим;

– тергов хизматлари томонидан экспертиза хулосаларини жинойтларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида қай даражада фойдаланганликларини мунтазам таҳлил қилиб боришлари керак;

– суд экспертиза муассасалари ходимларининг ҳар бирини иш фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш (масалан, ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг миқдори, сифати, экспертиза натижаларини расмийлаштириш фаолияти, қўйилган саволларга жавоб бериш сифати ва шу кабилар);

– суд экспертизаси муассасаларининг экспертиза ўтказиш, экспертиза натижалари ҳамда эксперт хулосаларини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш масалаларини йиғилишларда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда ушу камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш фаолиятини назорат қилишда эса куйидаги тадбирлар орқали амалга оширилиши лозим:

– экспертиза ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилиш;

– суд экспертизаси муассасалари ходимларига бошқа вазирликлар ва органларнинг экспертиза муассасаларида фаолият кўрсатадиган мутахассислари томонидан маслаҳатлар ўтказилишини ташкил қилиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа органларнинг етакчи мутахассислари, амалий ва назарий ходимлари иштирокида, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ва йиғилишлар ўтказиш;

– суд экспертиза муассасалари ходимларининг хулосаларини мунтазам равишда, соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан тақриздан ўтказилишини ташкил қилиш [8, С.446]. Юқорида ташкилий ишларнинг аҳамияти экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштиришда каттадир, жумладан, экспертиза ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилишда суд экспертизаси муассасаларининг раҳбари эксперт хулосаларини муддатлари, тадқиқотларнинг тўлиқлиги ва ҳар томонламалилиги, яқуний хулосаларнинг асосланганлиги ва уларнинг қўйилган саволларга мослиги, кўргазмалар материалларнинг сифати, тадқиқот услубларининг тўғрилиги ва самарадорлиги нуқтаи-назаридан текширилади.

Юқоридагилар асосида экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

– экспертиза амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва умумлаштириб бориш зарур. Чунки, таҳлил натижасида ушбу фаолиятдаги мавжуд камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу таклиф ва тавсиялардан суд экспертиза муассаларининг келгуси фаолиятида фойдаланиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга сабаб бўлади;

– суд экспертизаси муассасалари иш фаолиятид мавжуд назорат ҳужжатлар, ҳужжатлаштириш ҳамда иш юритиш фаолиятини тўғрилик мунтазам равишда текшириш. Бу фаолият натижасида ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш журналларини юритиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосаларини расмийлаштириш жараёни тўғри юритилаётганлиги аниқланади, камчиликларга йўл қўйилмаслигига эришилади;

– тадқиқот объектларининг текширишда экспертиза тадқиқотлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатларини аниқлаш ва бунга нисбатан тегишли чоралар кўриш лозим. Чунки, бу ҳолат суд экспертизаси муассасалари ходимларининг иш фаолиятида масъулиятсизликни келтириб чиқаради ва найжада бутун тизим самарасиз иш олиб боради.

Шундай қилиб, эксперт хулосасини баҳолаш масаласи ҳозирги вақтда ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади. Қонунчилик ҳужжатларида эксперт хулосасини баҳолашда процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари аниқ кўрсатилиши керак. Зарур ҳолларда суд мажлисига тадқиқотни ўтказган экспертгина емас, балки шу соҳа мутахассиси ҳам таклиф этилиши керак, чунки эксперт хулосасини баҳолашда махсус билимлар ҳам зарур.

ИҚТИБОСЛАР

1. Базарова Д., Астанов И. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – Б. 29.
2. Ивашко В.И. и др. Деятельность экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел по применению экспертно-криминалистических методов и средства в раскрытии и расследовании преступлений. – М., 1996. – С.104.
3. Ю.С. Кудрявцев. Об оценке экспертного заключения. Судебная власть и уголовный процесс. 2018. №3. – С.103.
4. Россинская Е.Р., Галяшина Е.И. Настольная книга судьи: судебная экспертиза. – М., 2010. – С.141-150.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 187-м. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/acts/111460>.
6. Раҳманкулов А.Х. Миразов Д.М. Дағлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.305.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/docs/3517337>.
8. Рисунков Н.К. Криминалистика: проблеми и тенденция развития. – М., 2006. – С.446.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**